

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САДИКОВА СУРАЙЁ ЗАКИРОВНА

**АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИНГ (*Capsicum annuum* L.) ЗАМБУРУҒЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ
ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё
вилоятлари шароитида)**

06.01.09 –Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Садикова Сурайё Закировна

Аччиқ қалампирнинг (*Capsicum annuum* L.) замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқиш (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитида)..... 3

Садикова Сурайё Закировна

Грибковые заболевания острого перца (*Capsicum annuum* L.) и разработка химических мер борьбы с ними (в условиях Республики Каракалпакстан, Ташкентской, Ферганской и Кашкадарьинской областей)..... 21

Sadikova Surayo Zakirovna

Fungal diseases of hot pepper (*Capsicum annuum* L.) and development of chemical measures to control them (in the conditions of the Republic of Karakalpakstan, Tashkent, Fergana and Kashkadarya regions)..... 39

Е’lon qilingan ishlar ro‘yxati

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САДИКОВА СУРАЙЁ ЗАКИРОВНА

**АЧЧИҚ ҚАЛАМПИРНИНГ (*Capsicum annuum* L.) ЗАМБУРУҒЛИ
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ
ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё
вилоятлари шароитида)**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Qx 585 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyati.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳматов Асрор Ахрорович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Эшчанов Баходир Рўзимбоевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Маматов Камол Шавқиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
катта илмий ходим.

Етақчи ташкилот:

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг “_____” _____ 2025 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 111202, Тошкент вилояти Қибрай тумани Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxta.uz@mail.ru)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс арказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти Қибрай тумани Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2025 йил « _____ » « _____ » да тарқатилди.

(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аччиқ қалампир дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларида 4 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, ҳар йили ўртача 70 млн. тоннадан кўпроқ ҳосил олинади. “ФАО маълумотларига кўра, ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг 20-40 фоизи зарарли организмлар таъсирида йўқотилади ҳамда ўсимлик касалликлари жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 220 миллиард доллар зарар етказди”¹. Жумладан, аччиқ қалампирни етиштиришда ҳам бир қатор замбуруғли касалликлар унинг ҳосилдорлигига ва ҳосилнинг сифатига катта зарар етказмоқда. Шу сабабли аччиқ қалампирда касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш, фитопатолог олимларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг етакчи аччиқ қалампир етиштирадиган давлатларида аччиқ қалампирнинг фузариоз, антракноз, фитофтороз, альтернариоз, кулранг чириш каби касалликларининг тарқалиши, ривожланиши, зарари ҳамда ушбу касалликларни келтириб чиқарадиган патоген замбуруғларнинг тур таркиби, биологик хусусиятларини ўрганишга ва уларга қарши кураш усулларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар таъсирида фақат ҳосил миқдори эмас, балки уларнинг товарлик сифати ҳам пасайиб кетиши сабабли, мазкур касаллик қўзғатувчи замбуруғларга қарши кураш агротехнологияларини яратиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада охириги йилларда аччиқ қалампирнинг касалликларини ўрганиш ва уларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш боросида изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Республикада хориж тажрибаси асосида аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш чоратadbирлари тўғрисида”² ги 62-сонли қарорида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини диверсификация қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадини ошириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларни етиштириш ҳамда экспорт ҳажмларини кўпайтириш, бу борада илғор хорижий тажрибалардан оқилона фойдаланиш, хусусан, аччиқ қалампир етиштириш бўйича замонавий, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу ўринда, аччиқ қалампир етиштиришда унга зарар етказадиган касалликларни ўрганиш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш асосида экинлардан, хусусан аччиқ қалампирдан юқори ва сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

¹<https://www.fao.org/news/story/en/item/1187738/icode/>

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Республикада хориж тажрибаси асосида аччиқ қалампир етиштиришни кўпайтириш чоратadbирлари тўғрисида” ги 62-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3978-сон ҳамда 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аччиқ қалампирнинг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича хорижий олимлардан T.S.Thind, J.S.Jhooty, Y.L.Nene, P.N.Thapliyal, S.K.Gupta, T.S.Thind, K.Sang. ва бошқалар., X.M.Yang, Q.R.Shen., L.H.Leonian, Крафт ва бошқалар, D.O.Chellemi ва бошқалар, M.W.Kimberly, T. Brenner, B.J.Jacobsen лар бир қатор илмий изланишлар олиб боришган. Ўзбекистонда эса аччиқ қалампир экини бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб борилмаган.

Республикамиз шароитида аччиқ қалампирнинг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунга кўра, аччиқ қалампир ўсимлигида учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг “Боғ, ток, сабзавот, полиз ва картошка экинлари касалликларини ўрганиш” лабораториясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган (2018-2020 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида аччиқ қалампирнинг замбуруғли касалликлари, уларни кўзғатадиган замбуруғларнинг тур таркиби, касалликларнинг тарқалиши, ривожланиши ва келтирадиган зарарини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аччиқ қалампир ўсимлигида тарқалган касалликларни ўрганиш ҳамда патоген замбуруғларнинг тур таркибини аниқлаш;

аччиқ қалампирда замбуруғли касалликларини тарқалиши, ривожланиши ва зарарини мониторинг қилиш;

аччиқ қалампирда касаллик кўзғатувчи замбуруғларнинг соф культурасини ажратиш ҳамда уларнинг айрим биологик хусусиятини

ўрганиш;

аччиқ қалампир навларининг замбуруғли касалликларга чидамлилигини баҳолаш;

уруғдорилагич препаратларнинг патоген замбуруғларга таъсирини аниқлаш;

кичик ва катта дала тажрибаларида аччиқ қалампирнинг замбуруғли касалликларига қарши кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлаш;

замбуруғли касалликларга қарши қўлланилган воситаларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида етиштирилаётган аччиқ қалампир экинлари, “Учкун”, “Саид”, “Марғилон 330”, “Индонезия”, “Ҳиндистон”, “Кайен” навлари ва уларнинг фузариоз, фитофтороз, альтернариоз ва кулранг чириш замбуруғли касалликлари олинган.

Тадқиқот предмети аччиқ қалампирда касаллик кўзгатувчи замбуруғ турлари, уларнинг културал-морфологик белгилари, келтирадиган зарари ҳамда касалликларга қарши қўлланиладиган усул ва воситалар.

Тадқиқот усуллари. Зарарланган аччиқ қалампирдан патоген замбуруғлар М. К.Хохряков, З.Кирай ва б., В.И.Билай усулларида ажратилган, касалликларнинг тарқалиши ва ривожланиши А.Е.Чумаков усулида, зарари М.И.Дементьева усулида, касалликларга қарши қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлиги М.И.Дементьева, С.Ф.Сидорова, Г.Ш.Котикова, С.П.Алексеева ҳамда Ўзбекистон Давлат кимё комиссияси услубий қўлланмалари асосида, қарши кураш чораларининг иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин ва Ш.Т.Хўжаев усуллари, олинган натижалар Б.А.Доспехов усуллари бўйича таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларининг барча аччиқ қалампир экиладиган худудларида фузариоз, альтернариоз, фитофтороз ва кулранг чириш энг кенг тарқалган касалликлари эканлиги ҳамда патоген замбуруғларнинг тур таркиби аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларининг барча аччиқ қалампир экиладиган худудларида фузариоз касаллигининг 3,0-70,0%, фитофтороз касаллигининг 3,0-50,4%, кулранг чириш касаллигининг 1,2-35,6%, альтернариоз касаллигининг 1,0-25,5% ва мева учки чиришининг 4,2-30,2% гача тарқалиши аниқланган;

аччиқ қалампирда касаллик кўзгатувчи *F.oxysporum*, *Ph.capsici*, *A.alternata* ва *B.cinerea* замбуруғларининг соф культуралари ажратилган;

F.oxysporum ва *A.alternata* замбуруғларининг аччиқ қалампирдан ажратилган изолятларини Чапек ва картошкали сунъий озиқа муҳитларида *Ph.capsici* ва *B.cinerea* замбуруғлари эса картошкали сунъий озиқа муҳитида яхши ривожланиши аниқланган;

патоген замбуруғлар спораларининг ривожланиши учун мақбул ҳарорат *F.oxysporum* учун 25-28⁰С, *Ph.capsici* учун 18-20⁰С, *A.alternata* учун 25-28⁰С

ва *B.cinerea* учун 20-23⁰С эканлиги аниқланган;

F.oxysporum ва *Ph.capsici* патоген замбуруғларининг 30 ва 100 кунда ҳам ўз ҳаётчанлигини ўсимликнинг ризосферасида, яъни тупроқнинг 20 см чуқурлигида сақланиб қолиши аниқланган;

“Марғилон 330” навининг бошқа навларга нисбатан альтернариоз, фузариоз ва кулранг чириш касалликларига чидамли эканлиги аниқланган;

уруғдориллагич препаратларнинг *F.oxysporium* замбуруғига таъсири ўрганилган ҳамда аччиқ қалампир уруғларига Селест топ 312 ФС, сус.к. уруғдориллагич препарати билан 0,6 л/т га сарф-меъёрда ишлов бериш орқали фузариоз илдиз чиришнинг олди олиниши аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида аччиқ қалампирда фузариоз, алтернариоз, фитопфтороз ва кулранг чириш касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарари мониторинг қилинган. Патоген замбуруғларнинг тур таркиби, айрим биологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чоралари белгиланган ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия қилинган.

Фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши аччиқ қалампир уруғларини Селест топ уруғдориллагич препарати билан 0,6 л/т меъёрда экишдан 15 кун олдин дорилаш тавсия этилган.

Фитопфтороз касаллигига қарши Квадрис, 25% сус.к. фунгициди билан 0,6 л/га, фузариоз сўлишга қарши Алфа вита 20% эм.к. фунгициди билан 2,5 л/га сарф-меъёрда, кулранг чириш касаллигига қарши Фрагман 50% с.д.г. фунгициди билан 0,4 кг/га сарф-меъёрда ҳамда альтернариозга қарши Дикотан М-45 н.кук. фунгициди билан 2,0 кг/га сарф-меъёрда ишлов бериш энг самарали эканлиги аниқланган ҳамда ушбу фунгицидларни мазкур касалликларга қарши қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: Тадқиқотларнинг фитопатологик усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган комиссия томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда математик-статистик услублардан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижалар тажриба маълумотларига мос келиши, хулоса ва қонуниятлар асосланганлиги ҳамда натижалар таққосланганлиги ва улар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитида аччиқ қалампирнинг фузариоз, фитопфтороз, кулранг чириш ва альтернариоз касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ҳамда келтирадиган зарарининг ўрганилганлиги, аччиқ қалампир навларининг касалликларга чидамлилиги баҳоланганлиги ҳамда патоген замбуруғларнинг айрим биологик хусусиятларининг ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса касалликларига чидамли бўлган “Марғилон 330” навини экиш тавсия этилганлиги, касалликларга

қарши қўллаш учун фунгицидларнинг сарф-меъёрлари ҳамда муддатларининг тавсия қилинганлиги ва бу препаратларнинг биологик ҳамда иқтисодий самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аччиқ қалампирда учрайдиган асосий замбуруғли касалликларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида:

“Аччиқ қалампирни асосий касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги №05/06-04-389-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тавсиялар аччиқ қалампир етиштирадиган деҳқон ва фермер хўжаликлари, кластерлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар томонидан қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

аччиқ қалампир ўсимлигида учрайдиган фузариоз сўлиш касаллигига қарши Алфа вита 20% эм.к., фитофторозга қарши Квадрис 25% сус.к., Беллис 380 г/кг с.д.г., кулранг чириш касаллигига қарши Фрагман 50% с.д.г., Топсин М 70% н.кук. препаратларини қўллаш технологияси Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги “Биг Агро” фирмасининг 63 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги №05/06-04-389-сон маълумотномаси). Натижада, аччиқ қалампирда учрайдиган асосий фузариоз, фитофтороз, альтернариоз ва кулранг чириш касалликларига қарши юқоридаги фунгицидлар билан ишлов берилиши натижасида 88,7% дан 92,3% гача биологик самарадорликка эришилган;

аччиқ қалампирнинг альтернариоз ва фитофтороз касалликларига қарши Акробат МЦ 690, с.д.г., Браво 50% сус.к., Квадрис 25% сус.к. ҳамда Альетт н.кук. препаратларни қўллаш технологияси Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги “Қорақалпоқ баракали замин” фермер хўжалигида 0,6 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 августдаги №05/06-04-389-сон маълумотномаси). Натижада, аччиқ қалампирнинг альтернариоз ва фитофтороз касалликларига қарши Акробат МЦ 690, с.д.г. препарати 1,5-2,0 кг/га меъёрда қўлланилганда 86,1-91,6%, Браво 50% сус.к. препарати 2,0-3,0 л/га меъёрда қўлланилганда 82,2-88,4%, Квадрис 25% сус.к. препарати 0,6-0,8 л/га меъёрда қўлланилганда 88,9-92,3 % ҳамда Альетт н.кук. препарати 800 1,5-2,0 кг/га меъёрда қўлланилганда 83,0-90,1 % гача биологик самарадорликка эришилган ва назорат вариантыга нисбатан 6,5-7,2 ц/га миқдорида қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг илмий ва амалий

натижалари 2 та республика ва 2 та хорижий илмий-амалий анжумани материаллари тўпламларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 та республика, 1 та хорижий журналда ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предметлари тавсифланган ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** номли биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаалар, дунё олимларининг илмий ишларини натижалари ҳамда аччиқ қалампирнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, тарқалиши, навларнинг касалликларга чидамлиги, касалликларнинг қўзғатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллари ҳамда асосий касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг таърифи ва иш услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар ўтказилган жойларнинг иқлим шароити ва тадқиқот усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Дала тажрибалари 2018-2020 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида ҳамда лаборатория тажриба ишларини Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтида ва Микробиология институти лабораториясида олиб борилган.

Зарарланган аччиқ қалампирдан патоген замбуруғлар М. К. Хохряков, З.Кирай ва б., В.И.Билай усулларида ажратилди. Касалликларнинг тарқалиши ва ривожланиши А.Е.Чумаков усулида, зарари М.И.Дементьева усулида аниқланган. Касалликларга қарши қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлиги М.И.Дементьева, С.Ф.Сидорова, Г.Ш.Котикова, С.П.Алексеева ҳамда Ўзбекистон Давлат кимё комиссияси услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Кураш чораларининг иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин ва Ш.Т.Хўжаев усуллари ёрдамида аниқланган. Олинган натижалар Б.А.Доспехов усуллари бўйича таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** номли учинчи бобида аччиқ қалампир ўсимлигида учрайдиган касалликларни тур таркибини аниқлаш,

касалликларнинг тарқалиши ва касалланиш даражасини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар вегетациянинг турли фазаларида ўрганилган.

Олиб борилган тадқиқотларда аччиқ қалампир ўсимлигига асосан фузариоз, фитофтороз, алтернариоз ва кулранг чириш касалликлари зарар келтириши маълум бўлди. Бу касалликлар зарари натижасида ҳосилдорлик ва ҳосил сифатининг пасайиши аниқланди. Ушбу касалликлар туфайли қалампир ўсимлигига ун шудринг, антракноз ва кладоспориоз касалликлари сезиларсиз даражада зарар келтириши аниқланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида аччиқ қалампирда 8 та касаллик тури: фузариоз – *Fusarium oxysporum*, алтернариоз *Alternaria alternata*, фитофтороз – *Phytophthora capsici*, кулранг чириш – *Botrytis cinerea*, ун шудринг – *Leveillula taurica*, антракноз – *Colletotrichum capsici*, кладоспориоз *Cladosporium fulvum* ва ризактония - *Rhizoctonia solani* учраши ва улардан фузариоз, алтернариоз, фитофтороз ва кулранг чириш касалликлари вегетация даврида кенг тарқалиши ва кучли даражада зарар етказиши (20-70%) аниқланган.

Шуларни инобатга олиб, тадқиқотларни энг кўп зарар етказувчи 4 та касалликни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Аччиқ қалампир экинларида учрайдиган касалликларни тарқалишини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар 2018-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган. Тадқиқотлар асосан қалампир ўсимлигининг касалликларини дастлабки белгилари пайдо бўлган вақтидан бошлаб мониторинг (кузатувлар) олиб борилган.

1-жадвал

Аччиқ қалампирда аниқланган замбуруғли касалликларнинг тур таркиби (Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, 2018-2020 йй.)

№	Касаллик номи	Касаллик кўзгатувчи замбуруғ тури	Синфи	Оиласи	Ўзбекистон шароитида
1.	Фузариоз	<i>Fusarium oxysporum</i> Schlecht	<i>Dothideomycetes</i>	<i>Nectriaceae</i>	+++
2.	Фитофтороз	<i>Phytophthora capsici</i> Leonian	<i>Oomycetes</i>	<i>Peronosporaceae</i>	+++
3.	Кулранг чириш	<i>Botrytis cinerea</i> Persoon	<i>Leotiomyces</i>	<i>Sclerotiniaceae</i>	++
4.	Алтернариоз	<i>Alternaria alternata</i> (Fr.) Keissl.	<i>Dothideomycetes</i>	<i>Pleosporaceae</i>	++
5.	Ун шудринг	<i>Leveillula taurica</i> (Lév.) G. Arnaud	<i>Leotiomyces</i>	<i>Erysiphaceae</i>	+
6.	Антракноз	<i>Colletotrichum capsici</i> (Syd.) E.J. Butler & Bisby	<i>Sordariomyces</i>	<i>Glomerellaceae</i>	+
7.	Кладоспориоз	<i>Cladosporium fulvum</i> Cooke	<i>Dothideomycetes</i>	<i>Davidiellaceae</i>	+
8.	Ризактониоз	<i>Rhizoctonia solani</i> J.G. Kühn	<i>Agaricomycetes</i>	<i>Ceratobasidiaceae</i>	+


Шартли белгилар:– касаллик кузатилмади; + -кучсиз даражада (10,0% гача); ++ - ўртача даражада (11-30% гача); +++ -кучли даражада (30% дан юқори).

Кузатувларга кўра, қалампир экинларида асосан фузариоз, кулранг чириш, алтернариоз ва фитофтороз касалликлари аниқланган (1-жадвал).

Фузариоз касаллиги Тошкент вилоятидаги Зангиота тумани, Боғзор кўрғони, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 14-жазони ижро этиш муассасасига қарашли майдонидаги аччиқ қалампирнинг Кайен навида касалликнинг тарқалиши 14,6% ни, ривожланиши эса 5,7% ни ташкил қилди. Паркент туманидаги Қорақалпоқ худуди “Қорақалпоқ баракали замин” фермер хўжалигидаги қалампирнинг “Бурса тохум” навида касалликнинг тарқалиши 24,2% ни, ривожланиши эса 9,4% ни ташкил этган.


Юқори Чирчиқ туманидаги Дўстлик хўжалиги “Биг Агро” фирмасига қарашли майдонга экилган аччиқ қалампирнинг Кайен навида кузатувлар олиб борилганда, касалликнинг тарқалиши 23,0% ни, ривожланиши эса 8,9% гача эканлиги маълум бўлди. Тошкент тумани “Сабзаёт, полиз экинлари ва картошкачилик” илмий-тадқиқот институтига қарашли экин майдонига экилган “Саид” ва “Марғилон 330” навларида фузариоз касалиги билан касалланиш 10,8 ва 25,0% ни, касалликнинг ривожланиши эса 4,2 ва 9,7% ни ташкил қилди. 2020 йили Қибрай туманидаги Қипчоқ хўжалиги иссиқхонасида 1,0 гектар майдонга аччиқ қалампирнинг Чёрная акула навида кузатувлар олиб борилди. Олиб борилган кузатувларга кўра, фузариоз касаллигининг 10,5% гача тарқалиши ҳамда унинг 4,1% гача ривожланиши кузатилган (1-расм).

Фарғона вилояти шароитида олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, 2018 йили Қўштепа туманидаги “Муҳамадали Юсупов” фермер хўжалигида 5,5 гектар майдонга экилган аччиқ қалампирда фузариоз касаллигининг тарқалиши 70,0% гача ҳамда, унинг ривожланиши 26,9% гача етганлиги аниқланган.



1-расм. Тошкент вилояти шароитида аччиқ қалампирнинг фузариоз (*Fusarium oxysporum*) касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши (2018-2020 йй.)

Шунга ўхшаш кўрсаткич Қува туманидаги “Мадалиев Давронбой Хасанович” фермер хўжалигида 8,0 га майдонда кузатилди ва фузариоз касаллиги билан 70,0% гача зарарланиб, касалликнинг ривожланиши эса мос равишда 26,9% ни ташкил этди. Хонқизи Рахимова ҳудуди “Оқ тулпор” фермер хўжалигига қарашли 72,0 га майдонга экилган аччиқ қалампирнинг “Марғилон 330” навида олиб борилган кузатувларда ҳам юқори кўрсаткич қайд қилинди, бунга кўра фузариоз касаллиги билан зарарланиш ҳолати 58,0% гача етиб, касаллик ривожини эса 22,3% ни ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Фарғона вилояти шароитида аччиқ қалампирда фузариоз касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши (2018-2020 йй.)

Аччиқ қалампирнинг фитофтороз касаллиги Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўртача миқдорда (6,0% дан 50,4% гача), Қашқадарё вилоятида кам миқдорда (3,0% дан 12,4% гача) ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида сезиларсиз даражада (3,5% дан 5,0% гача) зарар етказиши аниқланган.

Аччиқ қалампирнинг кулранг чириш касаллиги республикамиз ҳудудларида кам миқдорда зарар етказиши кузатилди (3-расм). Фарғона вилоятининг ҳудудларида 4,0% дан 12,6% гача зарарлаши кузатилди. Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудларида 1,2% дан 35,6% гача зарарланиш қайд этилди. Қашқадарё вилояти ҳудудларида эса касаллик аломатлари аниқланмаган.

Альтернариоз касаллиги Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўртача миқдорда (6,0% дан 25,5% гача), Қорақалпоғистон республикаси ҳудудларида кам миқдорда (5,2% гача) ва Қашқадарё вилояти ҳудудларида сезиларсиз миқдорда (1,0-2,0%) зарар етказиши кузатилган.

Диссертациянинг **Аччиқ қалампир касалликларининг кўзғатувчи**

замбуруғларини айрим биоэкологик хусусиятлари ва навларни чидамлиги номли тўртинчи бобида:

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, лаборатория шароитида ўрганилган патоген замбуруғлар *Fusarium oxysporum*, *Botrytis cinerea* ва *Alternaria alternata* Чапек ва картошкали озуқа муҳитларида яхши ривожланиши аниқланиб, *Phytophthora capsici* замбуруғи сулили сунъий озуқа муҳитида кучли даражада ривожланиши қайд этилган.

Лаборатория шароитида касаллик кўзгатувчи замбуруғ споралари учун мақбул ҳарорат *Fusarium oxysporum* учун +25°C ва 27°C, *Phytophthora capsici* учун +24-+25°C, *Alternaria alternata* учун +25°C ва 28°C да ва *Botrytis cinerea* учун +20 +23°C эканлиги аниқланган.

Лаборатория ва лизиметр шароитларида ўтказилган тадқиқотларга кўра, *Fusarium oxysporum* патогени 30 ва 100 кунда ҳам ўз ҳаётчанлигини тупрокнинг 20 см чуқурлигида сақланиб қолганлиги, *Phytophthora capsici* *Alternaria alternata* ва *Botrytis cinerea* касаллик кўзгатувчиларида тупроқ остидаги касалланган аъзоларида 100 кун давомида сақланганда замбуруғларда яшовчанлик белгилари аниқланмаган.

Касаллик кўзгатувчи патогенларнинг биологиясини ўрганиш учун ўсимлик қисмларидан (поя, барг, илдиз ва мева) намуналар олинди. Намуналар оқар сувда ювиб, қуритиб, ўсимликларни 76% спиртда артиб 10 тадан 0,5 см катталиқда сунъий Чапека озиқа муҳитига экилди +24-25°C ҳароратда термостатга қўйилиб, 3-5 ва 7-кунлар кузатувлар олиб борилган.

2018 йил Фарғона вилоятидан келтирилган намуналар Чапека озуқа муҳитида +24-25°C ҳароратда термостатга қўйилиб кузатилганда, *Fusarium oxysporum* касаллик кўзгатувчи патогенлари билан кучли даражада зарарланганлиги аниқланган.

Fusarium oxysporum туркумига мансуб замбуруғ турларини аниқлашда 2020 йил март ойида Микробиология институтининг “Молекуляр биология” лабораториясида умум қабул қилинган услублар ёрдамида картошка озиқа муҳитида +26 °C ҳароратда 12 кун давомида тажрибалар олиб борилди. Тадқиқотнинг 3-кунида замбуруғнинг ҳаво мицелийларининг ранги дастлабки ўсиш кунлари оқ рангда, секин-аста пушти рангга кирганлиги кузатилди. Ушбу замбуруғни рақамли микроскоп НЛСД-307Б ёрдамида *Fusarium oxysporum* турига мансуб эканлиги аниқланган.

Лаборатория шароитида фузариоз касаллигига қарши фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида 3 та фунгицид синовдан ўтказилган. Фунгицидлардан Фундазол 50% н.кук. (беномил) - 0,8 л/га ва 1,0 л/га меъёрларда, Алфа вита 20% эм.к. (карбоксин + тирам) 2,5 л/га ва Цебир сус.к. (металаксил+флудиоксонил)- 0,5 л/га меъёрда қўлланилган. Бунда, стерилланган Петри ликопчаларига 3 қайтарилишда чапека озуқа муҳитидан қуйиб чиқилди. Ҳар бир чапека озуқа муҳити солинган Петри ликопчасининг 3 та жойига фузариоз замбуруғи экилиб, устидан 1,0 мл дан фунгицид концентрати қуйилган.

Назорат вариантыга эса фузариоз замбуруғи экилди, лекин фунгицид

концентрати қўйилмади. Шундан сўнг, термостатни +25,0 °С ҳароратга қўйилиб, 21 кун давомида кузатувлар олиб борилди. Кузатувлар жараёнида лаборатория шароитида аччиқ қалампирнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши Фундазол 50% н.кук. 0,8 л/га ва 1,0 л/га, Алфа вита 20% эм.к. 2,5 л/га ва Цебир сус.к. 0,5 л/га сарф меъёрларда фунгицидларнинг таъсири ўрганилди. Фундазол 50% н.кук. 0,8 л/га ва 1,0 л/га, Алфа вита 20% эм.к. 2,5 л/га сарф меъёрларда қўлланилганда Петри ликобчаларида 21 кун мобайнида фузариоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғлар ривожланмаганлиги ва Цебир препаратида эса замбуруғлар ривожланиши аниқланган.

Аччиқ қалампирнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини ўрганиш мақсадида 2018-2020 йиллар мобайнида ЎХҚИТИ лизиметрига экилган “Ҳиндистон”, “Индонезия”, “Саид”, “Учқун”, “Марғилон 330” ва “Кайен” навларида сунъий инфекция юктириш (инокуляция) ва касаллик кўзгатувчи патоген спораларини ўсимликларга пуркаш усуллари орқали илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Лаборатория шароитида ажратиб олинган *Botrytis cinerea* ва *Alternaria alternata* патогенлари пуркаш усули орқали, *Fusarium oxysporum* касаллик кўзгатувчиси эса лизиметрларга экилган қалампир ўсимлиги навларига поясини кесиб(инокуляция) юктирилди.

2018 йили *F. oxysporum* патогени “Саид”, “Учқун”, “Марғилон 330”, “Кайен”, “Ҳиндистон” ва “Индонезия” навларида тадқиқотлар олиб борилди. Бунда, лизиметрга экилган қалампир ўсимлигининг поя қисми йўфонлашганда инокуляция ўтказилди. Кузатувларга кўра, “Кайен”, “Ҳиндистон” ва “Индонезия” навлари *Fusarium oxysporum* патогени билан кучли даражада, “Саид” ва “Учқун” навлари ўртача даражада, “Марғилон 330” нави эса кучсиз даражада касалланиши аниқланган.

2018-2020 йилларда *Alternaria alternata* ва *B. cinerea* касаллик кўзгатувчиси аччиқ қалампирнинг “Саид”, “Учқун”, “Марғилон 330”, “Кайен”, “Ҳиндистон” ва “Индонезия” навларида ўсимликка пуркаш усулида касаллик юктирилиб, хар 3 кунда ўсимликларнинг барг, поя, мева ва илдиз қисмларини касалланиши доимий равишда кузатиб борилди.

2018-2020 йилларда лизиметр шароитида навларнинг чидамлилиги бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижасига кўра, Марғилон 330 нави қалампир ўсимлигининг *Alternaria alternata.*, *F. oxysporum* ва *B. cinerea* патогенларига чидамлили қайд этилган.

Уруғдориланган препаратларнинг фузариоз касаллигига таъсирини ўрганиш бўйича Витавакс 200 FF -3,0 л/т, Махсим XL -1,5 л/т, Селест топ 0,4 ва 0,6 л/т меъёрларда илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Назорат вариантыда 3-кундан 7-кунгача фузариоз илдиз чириш касаллиги кузатилмади, 7-кундан 15-кунгача фузариоз касаллиги билан кам миқдорда касалланди. 17-кундан 21-кунгача фузариоз касаллиги билан ўртача даражада зарарланди ва 23-кундан 27-кунгача кучли даражада касалланганлиги аниқланган.

Витавакс 200 34% с.сус.к. уруғдорилагичи билан 3,0 л/т га меъёрда дориланганда, 3-кундан 21-кунгача касаллик аломатлари кузатилмади, 21-кундан 27-кунгача фузариоз касаллиги билан кам миқдорда зарарланганлиги кузатилган.

Максим XL уруғдорилагичи 1,5 л/т га меъёрда қўлланилганда яхши натижа олинган, яъни 3-кундан 25-кунгача касаллик аломатлари кузатилмаган, 25-27-кунлари фузариоз касаллиги билан кам миқдорда зарарланиши аниқланган.

Селест топ уруғдорилагичи 0,4 л/т меъёрда қўлланилганда, 3-кундан 19-кунгача касаллик аломатлари кузатилмади, 19-кундан 27-кунгача фузариоз касаллиги билан кам миқдорда зарарланиши кузатилган.

Селест топ уруғдорилагичи 0,6 л/т меъёрда қўлланилганда 3-кундан 27-кунгача фузариоз касаллиги билан зарарланиш аниқланмаган.

Лаборатория шароитида фузариоз касаллигига қарши уруғдорилагич препаратларини мақбул сарф-меъёрлари аниқланди; аччиқ қалампирнинг фузариоз касаллигига қарши Селест топ уруғдорилагичи 0,6 л/т меъёрда қўлланилганда энг юқори самарадорликни кўрсатди, яъни тадқиқотларимиз мобайнида 3 кундан 27 кунгача касаллик аломатлари кузатилмади. Қолган уруғдорилагичлар Максим XL 1,5 л/т, Селест топ 0,4 л/т ва Витавакс 200 FF 3,0 л/т меъёрларда қўлланилганда касаллик аломатлари кўчат униб чиққандан кейин 19-21- кунлари кам миқдорда ривожланганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **Аччиқ қалампирнинг асосий касалликларига қарши қўлланилган воситаларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги** номли бешинчи бобида 2018-2020 йилларда кичик ва катта дала тажрибалари ўтказилган. Тошкент вилоятининг фермер хўжаликларида аччиқ қалампирнинг вегетация даврида асосий касалликлари фузариоз, фитофтороз, альтернариоз ва кулранг чириш касалликларини ривожланиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида замонавий фунгицидларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Фитофтороз касаллигига қарши Квадрис, 25% сус.к. 0,6-0,8 л/га, Акробат МС с.д.г. 1,5- 2,0 кг/га ва Алетт н.кук. 800 г/кг 1,5-2,0 л/га меъёрларда синалган фунгицидларининг биологик самарадорлиги 85,2% дан 93,3% гачани, касалликнинг ривожланиши 0,5% дан 2,6% гача етганлиги аниқланган.

Фузариоз касаллигига қарши Алфа вита 20% эм.к. (*карбоксин + тирам*) 2,5 л/га ва андоза сифатида Фундазол 50% н.кук. (*беномил*) 0,8 кг/га меъёрларда синалди. Назорат вариантда зарарланиш 15,7% дан 24,3% гачани, касалликнинг ривожи эса 6,7% дан 10,0% гачани ташкил этган.

Алфа вита 20% эм.к. фунгициди 2,5 л/га меъёрида қўлланилганда касалликнинг тарқалиши 7,0% дан 14,7% гачани, ривожланиши 0,8% дан 1,4% гачани, биологик самарадорлик 86,0% дан 88,0% гачани ташкил қилди. Ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 18,7 тоннага етган (2-жадвал).

Кулранг чириш касаллигига қарши Топсин М, 70% н.кук. (тиофанат

метил 700 г/кг) 1,0 кг/га ва Фрагман 50% с.д.г.(ципродинил 500 г/кг) 0,4 кг/га сарф-меъёрларида қўлланилган.

Андоза сифатида Хорус с.д.г. (ципродинил 750 г/кг) препарати билан 0,4 кг/га сарф-меъёрида ишлов берилган.

2-жадвал

Дала шароитида аччиқ қалампирнинг фузариоз касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги (Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Дўстлик хўжалиги, Кайен нави 63,0 га, 2020 й.)

Вариантлар рақами	Вариантлар номи	Меъёри, кг/га ёки л/га	18.05.2020 й.			01.06.2020 й.			Ҳосилдорлик, т/га
			Касалликнинг тарқалиши, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самардорлик, %	Касалликнинг тарқалиши, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самардорлик, %	
1.	Назорат (ишлов берилмаган)	-	15,7	6,7	-	24,3	10,0	-	11,8
2.	Фундазол 50% н.кук. (беномил) (андоза)	0,8	9,3	1,0	85,0	17,0	1,6	84,0	18,0
3.	Алфа вита 20% эм.к. (карбоксин + тирам)	2,5	7,0	0,8	88,0	14,7	1,4	86,0	18,7
Экф ₀₅			2,1			1,8			0,4

Назорат вариантыда зарарланиш 22,7% дан 31,7 гачани, касалликнинг ривожини 9,3% дан 13,1% гачани ташкил қилди. Фрагман 50% с.д.г. 0,4 кг/га меъёрида қўлланилган вариантда касалликнинг тарқалиши 10,3% дан 12,3% гачани, ривожланиши 1,0% дан 1,3% гачани, биологик самарадорлик 88,7% дан 89,2% гачани ташкил қилган. Ҳосилдорлик эса 1,0 га майдондан 18,9 тоннага етган (3-жадвал).

3-жадвал

Аччиқ қалампирнинг кулранг чириш касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги (Тошкент вилояти Зангиота тумани “Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти”, 1,0 га, 2020 й.)

№	Препаратлар номи	Меъёри, л/га ёки кг/га	02.08.2020 й.			16.08.2020 й.			30.08.2020 й.			Ҳосилдорлик, т/га
			К.Т %	К.Р%	Б.С,%	К.Т %	К.Р%	Б.С,%	К.Т %	К.Р%	Б.С,%	
1	Назорат (ишлов берилмаган)	-	22,7	9,3	-	28,7	11,7	-	31,7	13,1	-	11,8
Мавсум давомида 2 маротаба қўлланилган												
2	Хорус с.д.г. 750 г/кг(ципродинил) эталон	0,4	8,0	0,7	92,4	10,7	1,1	90,5				19,0
3	Фрагман 50%	0,4	10,3	1,0	89,2	12,3	1,3	88,7				18,9

	с.д.г.(ципродинил 500 г/кг)											
Мавсум давомида 3 мартаба қўлланилган												
4	Топсин М, 70% н.кук.(тиофанат метил700г/кг)	1,0	11,7	1,1	88,1	15,7	1,6	86,3	17,7	1,9	85,5	18,2
	Э.к.ф05				2,6			2,8			0,5	

Изоҳ: **КТ** - касалликнинг тарқалиши; **КР** - касалликнинг ривожланиши; **Б.С**-биологик самарадорлик.

Истикболли фунгицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги фитофтороз касаллигига Квадрис 25% сус.к. ва Беллис 380 г/кг с.д.г. фунгицидлари билан ҳимоя қилинганда хўжалик самарадорлиги 7,7-7,5 тоннани ташкил қилиб, олинган соф фойда 77 120 000-78 404 000 сўм/га тенг бўлганлиги, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг ўзини оқлаши 4,0-4,1 мартага ортганлиги аниқланган.

Кулранг чириш касаллигига қарши Фрагман 50% с.д.г. ва Топсин М 70 % н.кук. фунгицидлари билан ҳимоя қилинганда хўжалик самарадорлиги 6,4-7,6 тоннани ташкил этган бўлиб, олинган соф фойда 71 764 000-77 960 000 сўм/га ни ташкил қилган.

Ўсимликларни ҳимоя қилишга кетган харажатларни 3,7-4,1 марта қоплаши аниқланди ва рентабеллик даражаси 373,0-409,5 % га тенг бўлди. Фузариоз касаллигига қарши истикболли Алфа вита 20% эм.к. фунгициди билан ҳимоя қилинганда хўжалик самарадорлиги 6,9 тоннани ташкил қилиб, олинган соф фойда 74 250 000 сўм/га, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг ўзини оқлаши 3,8 мартага қопланиб, рентабеллик даражаси 385,7% га тенг бўлган.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитида аччиқ қалампирда илк бор 8 та касаллик тури: фузариоз – *Fusarium oxysporium*, альтернариоз – *Alternaria alternata*, фитофтороз – *Phytophthora capsici*, кулранг чириш – *Botrytis cinerea*, ун шудринг – *Leveillula taurica*, антракноз – *Colletotrichum capsici*, кладоспориоз - *Cladosporium fulvum* ва ризактония - *Rhizoctonia solani* учраши, улардан фузариоз, альтернариоз, фитофтороз ва кулранг чириш касалликлари вегетация даврида кенг тарқалиши ва кучли даражада зарар етказиши (20-70%) аниқланди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларининг барча аччиқ қалампир экиладиган худудларида фузариоз касаллиги 3,0% дан 70,0% гача, фитофтороз касаллиги 3,0% дан 50,4% гача, кулранг чириш касаллиги 1,2% дан 35,6% гача ва алтернариоз касаллиги 1,0% дан 25,5% гача тарқалганлиги аниқланди.

3. Лаборатория шароитида касаллик кўзгатувчи замбуруғ споралари учун мақбул ҳарорат *Fusarium oxysporum* учун +25-28°C, *Phytophthora capsici* учун +24-25°C, *Alternaria alternata* учун +25-28°C да ва *Botrytis cinerea* учун +20-23°C эканлиги аниқланди. *F. oxysporum*, *B. cinerea* ва *A. alternata* патоген

замбуруғлари Чапек ва картошкали озика муҳитларида, *Ph. capsici* замбуруғи сулили сунъий озика муҳитида яхши ривожланиши қайд этилди.

4. *F.oxysporum*, *Ph.capsici*, *A.alternata* ва *B.cinerea* замбуруғларининг зарарланган барглар, илдиз, новдалар ва мевалар лаборатория шароитида хона ҳароратида ва намлигида, дала шароитида тупроқнинг устки қатламида ва 20 см чуқурликда 30 ва 100 кун муддатларда яшовчанлиги ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, *F.oxysporum* патогени 30 ва 100 кун муддатларда лаборатория шароитида, тупроқ усти ва 20 см чуқурликда ҳам ўз ҳаётчанлигини сақланиб қолганлиги кузатилди, *Ph.capsici*, *A.alternata* ва *B.cinerea* касаллик кўзғатувчиларида тупроқ остидаги касалланган аъзоларида 100 кун давомида сақланганда замбуруғларда яшовчанлик белгилари аниқланмади.

5. 2018-2020 йилларда лизиметр шароитида ўтказилган тадқиқотларда махаллий Саид, Учқун, Марғилон 330 навлари Ҳиндистон ва Индонезия навларига нисбатан қалампир ўсимлигининг *A.alternata*, *F.oxysporium* ва *B.cinerea* патогенларига чидамли эканлиги қайд этилди.

6. Лаборатория шароитида фузариоз касаллигига қарши фунгицидларнинг таъсири ўрганилганда, Фундазол 50% н.кук. (0,8-1,0 л/га) ва Альфа вита 20% эм.к. (2,0-2,5 л/га) фунгицидлари қўлланилган вариантларда Петри ликобчаларида 21 кун мобайнида фузариоз касаллигини кўзғатувчи патогенлар ривожланмаганлиги аниқланди.

7. Лаборатория шароитида Селест топ сус.к. уруғдорилагичи (0,6 л/т) қўлланилганда, кўчат униб чиққандан кейин 27 кунгача фузариоз касаллиги билан зарарланиш кузатилмади, Селест топ (0,4 л/т), Максим XL (1,5 л/т) ва Витавакс 200 34% с.сус.к. (3,0 л/т) уруғдорилагичлари қўлланилганда фузариоз касаллиги 19-21 кунларидан бошлаб кучсиз даражада (5% гача) ривожланганлиги аниқланди.

8. Кичик дала тажрибаларида фузариоз касаллигига қарши Алфа вита 20% эм.к. (2,0-2,5 л/га) ва Цебир сус.к. (0,3-0,5 л/га) фунгицидлари қўлланилганда биологик самарадорлик 76,4% дан 93,6% гачани, фитофтороз касаллигига қарши Квадрис 25% сус.к. (0,6-0,8 л/га), Акробат МС (1,5- 2,0 кг/га) ва Альетт н.кук. (1,5-2,0 л/га) фунгицидлари 79,8% дан 89,7% гачани, альтернариоз касаллигига қарши Дикотан М-45 н.кук. ва Акробат МС (2,0 кг/га) фунгицидлари 90,6 % гачани ва кулранг чириш касаллигига қарши Топсин М 70% н.кук. (0,5-1,0 кг/га) ва Хорус с.д.г. 750 г/кг (0,4 кг/га) фунгицидлари 79,7% дан 89,7% гача ташкил этганлиги аниқланди.

9. Катта дала тажрибаларида фузариоз касаллигига қарши Алфа вита 20% эм.к. (2,5 л/га) ва Фундазол 50% н.кук. (1,0 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда биологик самарадорлик 84,0% дан 88,0% гачани, фитофтороз касаллигига қарши Квадрис, 25% сус.к. (0,6 л/га) ва Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда 84,2% дан 92,3% гачани, альтернариоз касаллигига Дикотан М-45 н.кук. (2,0 кг/га) ва Акробат МС (2,0 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда 89,7% гачани ва кулранг чириш касаллигига қарши Топсин М, 70% н.кук. (1,0 кг/га) ва Фрагман 50% с.д.г. (0,4 кг/га)

фунгицидлари қўлланилганда 85,5% дан 89,2% гачани ташкил қилди.

10. Фитофтороз касаллигига қарши Квадрис 25% сус.к. (0,6 л/га) ва Беллис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда назоратга нисбатан 7,7-7,5 тонна қўшимча ҳосил олиниб, соф фойда 77 120 000 - 78 404 000 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 397,9-410,6% ни, кулранг чириш касаллигига Фрагман 50% с.д.г. (0,4 кг/га) ва Топсин М 70 % н.кук. (1,0 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда назоратга нисбатан 6,4-7,6 тонна қўшимча ҳосил олиниб, соф фойда 71 764 000-77 960 000 сўм/га ча рентабеллик даражаси 373,0-409,5 % га тенг бўлди. Фузариоз сўлиш касаллигига Альфа вита 20% эм.к. (2,5 л/га) фунгициди қўлланилганда назоратга нисбатан 6,9 тонна қўшимча ҳосил олиниб, соф фойда 74 250 000 сўм/га, рентабеллик даражаси 385,7% ни ташкил қилди. Альтернариоз касаллигига Акробат МС. 690 с.д.г. фунгициди қўлланилганда назоратга нисбатан 7,5 тоннани ташкил қилиб, олинган соф фойда 85 900 000 сўм/га ча тенг бўлиб рентабеллик даражаси 427,4% га тенг бўлди.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида аччиқ қалампирдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун:

аччиқ қалампирнинг касалликларга чидамли “Саид”, “Учқун” ва “Марғилон 330” навларини экиш;

аччиқ қалампирнинг фитофтороз ва альтернариоз касалликларига қарши 1-ишлов касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлган даврда, яъни гуллашдан олдин (Тошкент, Фарғона вилоятларида май ойининг II-III декадасида, Қашқадарё вилоятида апрел ойининг III декадасида ва Қорақалпоғистон Республикасида май ойининг III декадасидан июн ойининг I декадасигача) ва 2 ишлов 14 кундан сўнг (гуллашдан сўнг) ва 3-ишлов меваларни шаклланиш даврида ўтказиш;

фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши аччиқ қалампир уруғларини Селест топ уруғдорилагич препарати билан дорилаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари шароитларида фитофтороз касаллигига қарши Квадрис 25% сус.к. 0,6 л/га ва Беллис 380 г/кг с.д.г. 0,8 кг/га меъёрида қўллаш;

Тошкент ва Фарғона, вилоятлари шароитларида кулранг чириш касаллигига қарши мева шаклланиш даврида Фрагман 50% с.д.г.ни 0,4 кг/га ва Топсин М,70% н.кук. 1,0 кг/га меъёрларида қўллаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятлари шароитларида альтернариоз касаллигини олдини олиш мақсадида Дикотан М-45 н.кук. (2,0 кг/га) ва Акробат МС (2,0 кг/га) фунгицидлари билан ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАНТИНА И
ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ**

САДИКОВА СУРАЙЁ ЗАКИРОВНА

**ГРИБКОВЫЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ ОСТРОГО ПЕРЦА (*CAPSICUM
ANNUUM L.*) И РАЗРАБОТКА ХИМИЧЕСКИХ МЕР БОРЬБЫ С НИМИ
(*В условиях Республики Каракалпакстан, Ташкентской, Ферганской и
Кашкадарьинской областей*)**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером В2020.2.PhD/Qx 585

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Рахматов Асрор Ахрорович,
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Эшчанов Баходир Рузимбоевич,
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Маматов Камол Шавкиевич,
доктор сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник.

Ведущая организация:

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится “___” _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий хлопка, по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: paxta.uz@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки номер _____ от «___» _____ 2025 года).

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Острый перец выращивают более чем в 120 странах мира на площади более 4 миллионов гектаров, ежегодно собирают в среднем более 70 миллионов тонн. «По данным ФАО, 20-40 процентов сельскохозяйственных культур ежегодно погибают от вредных организмов, а также болезни растений обходятся мировой экономике ежегодно в среднем в 220 миллиардов долларов»¹. В частности, ряд грибковых заболеваний при выращивании острого перца приносят большой ущерб урожайности и качеству урожая. Поэтому, изучение биоэкологических особенностей патогенных грибов, вызывающих заболевания острого перца и разработка эффективных мер борьбы с ними является одной из важных задач, стоящих перед учёными фитопатологами.

В ведущих странах мира, производящих острый перец, особое внимание уделяется распространению, развитию и вреда таких болезней как фузариоз, антракноз, фитофтороз, алтернариоз, серая корневая гниль, а также изучению их видового состава, биологических особенностей, патогенов гриба вызывающих эти заболевания и разработке методов борьбы против них. Особое внимание уделяются научным исследованиям по созданию агротехнологий борьбы против возбудителей болезней грибами, понижающие не только количество урожая, но и товарные качества их.

В республике в последние годы проводятся исследования по изучению болезней острого перца и разработке эффективных методов борьбы с ними. В постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 января 2018 года № 62 «О мерах по увеличению выращивания острого перца в республике на основе зарубежного опыта»² диверсификация состава сельскохозяйственных культур в республике Узбекистан, увеличение доходов фермеров и фермерских хозяйств, выращивание конкурентоспособной и качественной продукции и экспорта. Определены важные задачи, как широкое и рациональное использование зарубежного опыта, в частности, широкое применение современных ресурсосберегающих технологий при выращивании острого перца. На этом этапе важно получение высокого и качественного урожая сельскохозяйственных культур, особенно острого перца, на основе изучения болезней, приносящих вред, и разработке эффективных мер борьбы с ними.

Указ Президента Республики Узбекистан от 17 октября 2018 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности экспорта плодоовощной продукции на внешние рынки» Постановления № PQ-3978 и № ПФ-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии

¹<https://www.fao.org/news/story/en/item/1187738/icode/>

